

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

20** йил октябрь ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи судья **Т.Турсунов**,

судлов ҳайъати судьялари **Н.Касимова** ва **Х.Шамшиевдан** иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Анинг котиблигида, томонлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, маҳкума М.А ва унинг ҳимоячиси адвокат А.Алимкуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ю туман судининг 20** йил 26 сентябрдаги ажримига кўра суд томонидан белгиланган ва ўталмай қолган озодликни чеклаш жазо муддати озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган:

А (ААА), 12.06.19** йилда Андижон вилоятида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам бир неча марта судланган, «Қ» МЧЖ раҳбари, Тошкент шаҳри, Ю тумани, Б йўли кўчаси, 47-уйда яшаганга,

нисбатан чиқарилган ажрим устидан маҳкума М.А томонидан келтирилган хусусий апелляция шикояти асосида ишни апелляция тартибида кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суднинг ажримига кўра Ю туман ИИО Пробация бўлинмаси бошлиғининг такдимномаси қаноатлантирилиб, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар М. туман судининг 20** йил 10 июндаги ҳукми билан М.Ага нисбатан тайинланган ва ўталмай қолган 1 йил 8 ой 29 кун озодликни чеклаш жазоси шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган.

Жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, маҳкума М.А жиноят ишлари бўйича М. туман судининг 20** йил 10 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 2 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Ушбу ҳукм билан Ф. ва М.Адан солидар тартибда жабрланувчи Б. фойдасига 30.459.570 сўм моддий зарарни ундириш белгиланган.

М.А Ю туман ИИО Пробация бўлинмаси ҳисобига 20** йил 25 июнь куни олинган, жазони ўташ тартиб-қоида талаблари тушунтирилган, тилхатлар олиниб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 5 ва 6-қисмлари талаблари билан огоҳлантирилиб ва жазони яшаш манзилдан 22:00 дан 06:00га қадар чиқишлик тақиқланиб, яшаш



жойини ҳукм ижросини назорат қилувчи орган рухсатисиз ўзгартирмаслик, муайян жойларга – ресторан, кафе, чойхона, бар, спиртли ичимликлар қуядиган жойларга бормаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик, етказилган моддий зарарни 3 ой муддатда қоплаш мажбурияти юклатилган.

М.А огоҳлантиришларга қарамай 20** йил 3 август куни яшаш жойида бўлганлик ҳолати текширилганида, у уйида йўқлиги аниқланган.

М.Анинг 20** йил 23 сентябрь куни яшаш жойида бўлганлик ҳолати текширилганида, у уйида йўқлиги аниқланган.

Бундан ташқари, ҳукм билан тайинланган муддатда ундириш белгиланган моддий зарар қопланмаган.

Маҳкум М.А хусусий апелляция шикоятда, зарарнинг 70 фоизи қопланганлигини, карантин сабабли қолган қисмини қоплаш имконияти бўлмаганлигини, аёллигини, оилавий шароитини, соғлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраган.

Апелляция инстанцияси, иш бўйича судья Х.Шамшиевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиевнинг хусусий апелляция шикоятини рад қилиш ва ажримни ўзгаришсиз қолдириш, маҳкума ва унинг адвокати А.Алимкуловнинг апелляция шикоятдаги важларни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни иш материаллари билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи босқич суд ажримини ўзгаришсиз қолдириб қонунга мувофиқлаштиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига кўра “Маҳкум озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган муддатга қўшиб ҳисобланмайди”-деб белгиланган.

Иш ҳужжатларида тўпланган далилларга кўра М.А тегишли тартибда огоҳлантирилган бўлсада, яшаш жойи бир неча марта текширилганда яшаш жойида белгиланган вақтда бўлмасдан ўрнатилган тақиқ ва мажбуриятни бажармасдан юрганлиги, етказилган моддий зарарни 3 ой муддатда қоплаш мажбурияти юклатилган бўлсада, тўлиқ қопламаганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди ушбу моддалар талабларидан келиб чиқиб, М.Анинг суд томонидан белгиланган чекловлар билан таништирилиб, жазони ўташ қонун қоидалари билан ёзма равишда таништирилган бўлишига қарамасдан, озодликни чеклаш жазосининг қонунда белгиланган талабларни, чекловларни бажаришдан бўйин товлаганини, белгиланган вақтда уйида бўлмаганини, моддий зарар қопланмаганини, бунинг натижасида жазо ўташ тартибини бузганини инобатга олиб, унга нисбатан тайинланган озодликни



чеклаш жазосини озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштириб, тўғри хулосага келган.

Бироқ, биринчи инстанция суди унга нисбатан тайинланган жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташни белгилаб хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 8-қисмининг “в” бандида илгари озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланиши белгиланган.

Биринчи инстанция суди томонидан қонуннинг ушбу талабларига риоя қилинмаган.

Юқоридагиларга асосан, апелляция судлов ҳайъати суд ажримини қонунга мувофиқлаштириб, ўзгаришсиз ва маҳкума М.Анинг хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ю туман судининг 20** йил 26 сентябрдаги Ага нисбатан чиқарилган ажрими ўзгаришсиз қолдирилиб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

Унга нисбатан тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Келтирилган хусусий апелляция шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи:

/имзо/

Т.Турсунов

Судлов ҳайъат судьялари:

/имзо/

Н.Касимова

/имзо/

Х.Шамшиев

Аслига тўғри:

